

11-01/75-son

26 avgust 2026 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"

Навоий вилояти ҳокими



Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2026 йил 24 август

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи: Н. Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар: Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, вилоят бошқармалари ва ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш (*edo.ijro.uz.da назоратдаги ҳужжатлар, мурожатлар билан ишлаш*);

2. “Маҳаллабай ишлаш тизими самарадорлигини ошириш” бўйича белгилаб берилган **янги тизим асосида** олиб борилаётган ишлар, **бандлик дастури** ижроси, **битирувчилар бандлигини таъминлаш** ва **камбағалликни қисқартириш** масалаларида кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида;

3. Янги ўқув йилига тайёргарлик кўриш бўйича масъуллар ва шаҳар, туман ҳокимликлари томонидан амалга оширилаётган ишлар ва келгусидаги вазифалар тўғрисида;

4. Қурилиш соҳасининг барча тармоқлари ва мақсадли дастурлар (Инвестиция, драйвер, Янги Ўзбекистон қиёфаси, оғир туман, маҳалла, ташаббусли бюджет ҳ.к.) ҳамда **энергия ресурсларини иқтисод қилиш** масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида;

5. Куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш (кўп қаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектлари), “Навоий сув таъминоти” АЖ, “Иссиқлик манбаи” МЧЖ ва бошқарув компаниялари (БСК) томонидан кўрсатилган **коммунал хизматлардан ҳосил бўлган қарздорликларни кескин камайтириш** бўйича берилган топшириқларнинг ижроси тўғрисида;

6. Қўшимча масалалар (Мустақиллик байрамига тайёргарлик, байрам арафасида очиладиган объектлар, вилоят прокуратурасининг 2026 йил 22 июлдаги 10.3/17-26-сон ва 10.2/7-26-сонли хатлари).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, А.Ниёзов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, А.Муллажонов, У.Абдуллаев, А.Турдиев, Д.Пирназаров, З.Султонов, Д.Эргашев, Н.Рахманов, Ш.Болтаев, Р.Рўзиев, Б.Бобомуродов, А.Рашидов, А.Файзиев, У.Елмуратов, У.Адизов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, ижро интизомини мустаҳкамлаш ҳамда “edo.ijro.uz” электрон тизими орқали назоратга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатлари ижросини ўз вақтида ва сифатли қилиб бажарилиши муҳокама қилинди ҳамда вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари, корхона, ташкилотларнинг биринчи раҳбарларига белгиланган вазифаларни ўз вақтида, кечиктирмасдан ва сифатли тарзда бажариб борилишини таъминлаш топшириғи берилди.

Хусусан, вилоят ҳокими ўринбосарлари ҳамда таркибий бўлинма раҳбарларига жорий йилнинг август ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Давлат раҳбари, Администрация раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларини ой якунига қадар ижросини сифатли таъминлаб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини таъминлаш бўйича қатъий кўрсатмалар берилиб, ушбу топшириқ ижросини белгиланган муддатидан кечиктирган масъулларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда навбатдаги интизомий чоралар қўлланиши тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Ниёзов, Мирзаев)га вилоят Маданият бошқармаси (Ниёзов), Ғозғон шаҳар ҳокимлиги (Жўраев) билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 апрелдаги ПК-150-сон қарори 3-илоvasи ижросини таъминлаш мақсадида, Ғозғон шаҳар маданият марказига янги бино қуриш учун зарур ер майдони ажратиш чораларини кўриш топшириғи берилди.

Вилоят ҳокимлиги Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов)га Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) билан биргаликда жорий йил якунига қадар ижроси таъминланиши лозим бўлган Давлат раҳбари, Администрация раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларининг номма-ном рўйхатини вилоят ҳокими ўринбосарлари ва уларнинг котибиятларига,

тегишли ташкилотларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларга етказиш вазифаси қўйилди.

Шунингдек, Учқудуқ тумани аҳолиси билан ўтказилган сайёр қабулда фуқаролар томонидан йўлланган мурожаатлар ижроси кўриб чиқилди.

Хусусан, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов)га Учқудуқ туманидаги автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларига газ етказиб бериш масаласини Энергетика вазирлиги масъуллари билан гаплашиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот бериши алоҳида таъкидланди.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га вилоят ҳокимининг 2026 йил 13 июндаги Учқудуқ туманида яшовчи фуқаро Ф.Ҳомидовнинг ишга жойлаштириш бўйича мурожаатини қаноатлантириб, натижаси бўйича мурожаат муаллифи ва вилоят ҳокимига ёзма жавоб бериши қатъий белгилаб берилди.

Вилоят Халқ қабулхонаси (Абдиазизов)га вилоят ҳокимининг 2026 йил 13 июнда Учқудуқ туманида ўтказган сайёр қабулида берилган топшириқларини ижрочиларга яна бир бор эслатиб, кунлик сўров олиб бориши ҳамда беш кундан кейин сайёр қабул бўйича имзоланган баённомада белгиланган вазифалар ижроси бўйича вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритиши белгиланди.

Кун тартибида шунингдек, камбағалликни қисқартириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва “долзарб 40 кунлик” масалалари кўриб чиқилди.

Жумладан, вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев) билан биргаликда бир кун муддатда камбағал оилаларга бириктирилган масъулларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, ушбу бириктирилган камбағал оила аъзоларидаги 7,2 минг нафар ишсизларни рўйхатини масъулларга етказиши ҳамда бириктирилган масъулларга ишсизлар бандлигини таъминлаш бўйича кунлик иш ташкил этиб, вилоят Штабига ҳар куни маълумот киритиб боришлари алоҳида таъкидланди.

Шу билан бирга, вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Мамадиярова)га Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (Облоқулов), вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (Қаюмов), шаҳар, туман ҳокимлари ҳамда “маҳалла бешлиги” билан биргаликда ўн беш кун муддатда камбағал оилалардаги ишсизларни қайта хатловдан ўтказиши бўйича кўрсатмалар берилди.

Хатирчи тумани ҳокимлиги (Адизов)га “Каттасой” маҳалласига шахсан ўзи борган ҳолда туман Автомобиль йўллари бўлими бошлиғи Т.Мақсудовга

бириктирилган камбағал оилаларнинг 8 нафар аъзоларини доимий бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибида, янги ўқув йилига тайёргарлик масалалари муҳокама қилиниб, камчиликка йўл қўйган масъуллар огоҳлантирилди ҳамда белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида “долзарб бир ҳафталик” эълон қилинди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов)га Нурота туманидаги 15-сонли, Хатирчи туманидаги 64-сонли ва Қизилтепа туманидаги 13- ва 30-сонли мактабларга “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМдан масъулларни бириктириб, ишларни жадаллаштириши ҳамда туман (шаҳар) ҳокимларига ўз ҳудудида таъмирланаётган, қурилаётган ва муаммоли мактаблар, боғчалар ва профессионал таълим муассасаларига шахсан бирма-бир кириб, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўриши таъкидлаб ўтилди.

Шу билан бирга, уч кундан кейин вилоятда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар бўйича муҳокама йиғилиши ўтказилиши, унда вилоят ҳокими ўринбосари (Ниёзов), туман (шаҳар) ҳокимлари, буюртмачи ташкилотлар ва тегишли масъулларнинг ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилди.

Йиғилиш кун тартибида, Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури (инвестка), “Ташаббусли бюджет”, Ислон тараққиёт жамғармаси объектлари ҳамда “Драйвер” лойиҳалар, “Тараққиёт ва етакчилик маскани” дастурлари, оғир туман ва маҳаллалар бўйича белгиланган чора-тадбирлар ижроси муҳокама қилиниб тегишли масъулларга вазифа ва топшириқлар белгилаб берилди.

Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Сулаймонов, Ниёзов)га туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда барча дастурлар доирасида объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларини жадаллаштириш, аниқланган муаммоларни жойида бартараф этиш ҳамда ҳар куни дастурлар доирасида объектларда амалга оширилаётган қурилиш ишларининг боришини танқидий муҳокамалар қилиб бориш вазифаси топширилди.

Бундан ташқари йиғилишда, кўп қаватли уйларнинг куз-қиш мавсумига тайёргарлик ҳолати, ҳудудларда ободонлаштириш, ичимлик суви, иссиқлик, табиий газ, электр энергияси, чиқиндиларни олиб кетиш ҳамда бошқарув ташкилотлари (БСК, ширкатлар)дан ҳосил бўлган қарздорликларни ундириш ишлари ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, ушбу ҳолатларга ҳокимлар ва уларнинг қурилиш бўйича ўринбосарлари эътиборсизлик билан қараб келаётганлиги танқид қилинди.

Шу билан бирга, йиғилишда вилоят ҳокими ўринбосарлари туман (шаҳар) ҳокимларига мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган объектларнинг манзилли рўйхатини қайта кўриб чиқиб, мавжуд камчиликларни бартараф этиш бўйича топшириқлар берилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимлари ва тегишли масъулларга белгиланган вазифаларни сифати ва муддатида амалга оширилишини таъминлаш бўйича топшириқ ва вазифалар белгилаб берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Ниёзов, Ғаффоров, Мирзаев**), таркибий бўлинма раҳбарлари (**Шарипов, Фармонов**) жорий йилнинг август ойида ижроси таъминланиши лозим бўлган Давлат раҳбари, Администрация раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларини **ой якунига қадар** ижросини сифатли таъминлаб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини таъминласин.

Ушбу топшириқ ижросини белгиланган муддатидан кечиктирган масъулларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда навбатдаги интизомий чоралар қўлланиши тўғрисида **расман огоҳлантирилсин**.

2. Ижро интизомига риоя этилмаганлиги, Давлат Раҳбарининг қарорларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлашда сусткашликга йўл қўйилганлиги ва ўзига юклатилган вазифаларни бажаришдаги камчиликлари учун вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғ.Бобоқуловга нисбатан қонунчиликда ўрнатилган тартибда интизомий жазо чораси қўлланилсин.

Ижро ва назорати **Э.Авезовга**.

3. Вилоят иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Бобоқулов**) бир кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 11 февралдаги ПК-58-сон қарори 17-илоvasи 4-бандига асосан, Хатирчи тумани “Бахшижар” маҳалласи ҳудудида ташкил этилаётган кичик саноат зонасини инфратузилма билан таъминлаш мақсадида зарур бўлган маблағларни ажратиш топшириғи ижросини таъминлаб, топшириқни назоратдан чиқарсин.

Вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**) ушбу масалада амалий кўмак кўрсатсин.

Назорати **Э.Ғаффоровга**.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (**Ниёзов, Мирзаев**), Маданият бошқармаси (**Ниёзов**), Ғозғон шаҳар ҳокимлиги (**Жўраев**) **бир кун муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 21 апрелдаги ПҚ-150-сон қарори 3-илоvasи ижросини таъминлаш мақсадида, Ғозғон шаҳар маданият марказига янги бино қуриш учун зарур ер майдони ажратиш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳокимлиги ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) ушбу топшириқ ижроси белгиланган муддатда таъминланмаган тақдирда, ижрочиларга нисбатан ўрнатилган тартибда чора кўриш бўйича таклиф киритсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**), Конимех (**Рўзиев**) ва Томди (**Умаров**) туманлари ва Ғозғон (**Жўраев**) шаҳар ҳокимлари **уч кун муддатда** Вазирлар Маҳкамасининг 2026 йил 14 майдаги 242-сонли қарорига асосан, Конимех, Томди туманлари ва Ғозғон шаҳри марказларида камида 3 тадан 60 кВт ва ундан юқори қувватли электромобилларни қувватлаш станцияларини ишга тушириш топшириғи ижросини сифатли таъминлаб, электрон тизимдан назоратдан чиқарилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимлиги ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) **бир кун муддатда жорий йил якунига қадар** ижроси таъминланиши лозим бўлган Давлат раҳбари, Администрация раҳбари ва Вазирлар Маҳкамасининг топшириқларининг номма-ном рўйхатини вилоят ҳокими ўринбосарлари ва уларнинг котибиятларига, тегишли ташкилотларга ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликларга яна бир бор етказсин.

Вилоят ҳокими ўринбосарлари шахсан ўз комплексига алоқадор ташкилотлар билан биргаликда **беш кун муддатда** ушбу топшириқларни бирма-бир кўриб чиқиб, уларни барвақт ва сифатли тарзда бажарилишига киришсин.

Бунда йил якунига қадар Давлат Раҳбарининг жами 2,5 мингта, шундан Навоий вилояти ҳокимлиги асосий ижрочи бўлган 1139 та топшириқлар (шундан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.12.2024 йилдаги ПҚ-430 ва 11.02.2026 йилдаги ПҚ-58-сонли қарорларига алоҳида назорат) ижросини таъминланишига **алоҳида эътибор қаратилсин.**

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ниёзов**) **бир кун муддатда** Учқудуқ автомобилларга газ тўлдириш шохобчаларига газ етказиб бериш масаласини Энергетика вазирлиги масъуллари билан гаплашиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига ҳисобот берсин.

8. Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **уч кун муддатда** вилоят ҳокимининг 2026 йил 13 июндаги Учқудуқ туманида ўтказилган сайёр қабулида фуқаро Ф.Ҳомидовнинг ишга

жойлаштириш бўйича мурожаатини қаноатлантириб, натижаси бўйича мурожаат муаллифи ва вилоят ҳокимлигига ёзма жавоб берсин.

9. Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Бердихолов**), Халқ қабулхонаси (**Абдиазизов**) вилоят ҳокимининг 2026 йил 13 июнда Учқудуқ туманида ўтказган сайёр қабулида берилган топшириқларини ижрочиларга яна бир бор эслатиб, **кунлик сўров** олиб борсин.

Беш кундан кейин сайёр қабул бўйича имзоланган баённомада белгиланган вазифалар ижроси бўйича вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритсин.

10. Вилоят ҳокимлиги мурожаатлар билан ишлаш бўлими (**Бердихолов**), Халқ қабулхонаси (**Абдиазизов**) **жорий йилнинг 27 августида (пайшанба куни)** вилоят ҳокими томонидан ҳудудларда ўтказилган сайёр қабуллар ҳамда Халқ қабулхонасида ўтказилган фуқаролар қабулида берилган топшириқларнинг ижро ҳолати муҳокамасига бағишланган алоҳида йиғилиш ташкиллаштирсин.

11. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** камбағал оилаларга бириктирилган масъулларни яна бир бор қайта кўриб чиқиб, ушбу бириктирилган камбағал оила аъзоларидаги 7,2 минг нафар ишсизлар рўйхатини масъулларга етказсин.

Бириктирилган масъуллар ишсизлар бандлигини таъминлаш бўйича кунлик иш ташкил этиб, вилоят штабига **ҳар куни** маълумот тақдим этиб борсин.

12. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) вилоят ҳокими ўринбосари (**Мамадиярова**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Облоқулов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Қаюмов**), **шаҳар, туман ҳокимлари** ҳамда **“маҳалла бешлиги”** билан биргаликда **ўн беш кун муддатда камбағал оилалардаги ишсизларни қайта хатловдан ўтказилишини** ташкил қилсин.

Бунда, вояга етмаган, ишга лаёқатсиз, ногиронлар, даромади кам, ишсиз фуқаролар, норасмий ишлаётганлар ва бошқа ҳолатлар “онлайн маҳалла” дастури орқали электрон хатловдан ўтказилиб борилади.

13. Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), Кармана тумани ҳокимлиги (**Болтаев**) билан ҳамкорликда **бир кун муддатда** Кармана туманидаги бандлиги таъминланган ногиронлиги бўлган фуқароларни солиқ

органлари базаларида тўлиқ акс эттириш ҳамда бошқа ҳудудларда ҳам худди шундай ишни ташкил қилиш чора-тадбирларини кўрсин.

Амалга оширилган ишлар натижаси бўйича **бугун кечгача** вилоят ҳокимига шахсан ҳисобот берилсин.

14. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) **жорий ҳафтада** Хатирчи туманида камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтириш бўйича ўтказиладиган муҳокама йиғилишини ташкил қилсин ва унга пухта тайёргарлик кўрсин.

Ушбу йиғилишда, камбағалликни қисқартириш ва ишсизликни камайтириш бўйича вилоят ва тумандан бириктирилган масъулларнинг ҳар бир маҳалла ва камбағал оилалар бўйича **шахсан ҳисоботлари эшитилиши** белгилаб қўйилсин.

15. Хатирчи тумани ҳокими (**Адизов**) **бир кун муддатда** “Каттасой” маҳалласига шахсан ўзи борган ҳолда туман Автомобиль йўллари бўлими бошлиғи Т.Мақсудовга бириктирилган камбағал оилаларнинг 8 нафар аъзоларини доимий бандлигини таъминлаш чора-тадбирларини кўриб, натижаси бўйича вилоят ҳокимига (*расми ва асословчи ҳужжатлар билан бирга*) ахборот киритсин.

16. Вилоят ҳокимлиги масъул ходимлари (**Сайфиддинов, Хасанов**) **бугун кечгача** АТБ “Халқ банки” Нурота филиали бошқарувчиси О.Имомовга бириктирилган “Нурфахр” маҳалласида яшовчи фуқаро М.Худойбердиеванинг бандлиги таъминланганлиги бўйича киритилган маълумотлар ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича ахборот ва ёлғон маълумот киритган масъулларга нисбатан чора кўриш бўйича таклиф киритсин.

17. “Навоийазот” АЖ (**Самадов**) **бир ҳафта муддатда** Хатирчи тумани “Кўксарой” маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оила О.Бобоқулованинг бандлигини таъминлаб, натижаси бўйича ахборот берсин.

18. Қизилтепа тумани ҳокимлиги (**Бобомуродов**) **бир ҳафта муддатда** АТБ “Агробанк” Қизилтепа филиали (**Рахматов**) билан биргаликда “Варозун” маҳалласида истиқомат қилувчи камбағал оила М.Бердиеванинг бандлигини таъминлаб, натижаси бўйича ахборот берсин.

19. Халқ депутатлари вилоят Кенгаши котибияти (**Ҳамроев**)га вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**), “Дўстлик байроғи ва Знамя дружбы” газеталари таҳририяти (**Умаров**) ва депутатлардан иборат ишчи гуруҳи тузиб, ҳудудлардаги камбағал оилалар ва ишсиз фуқаролар бандлигини таъминлаш бўйича берилаётган маълумотларнинг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси

бўйича таҳлилий маълумот ва видеолавҳаларни киритиб бориш тавсия этилсин.

20. Туман, шаҳар ҳокимлари, вилоят, туман (шаҳар) ташкилотлари раҳбарларининг бугундан бошлаб “Жонажон мактабимга китоб совға қиламан” шиори остида ўзи ўқиган қадрдон мактабларига китоб совға қилиш тўғрисидаги ташаббуслари қўллаб-қувватлансин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) ва Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) ушбу масала ижросини назоратга олиб, натижаси бўйича маълумот киритиб борсин.

21. Туман (шаҳар) ҳокимлари жорий йилнинг 15 сентябрига қадар янги баҳолаш тизими жорий этилаётган 141 та мактабларга замонавий лаборатория жиҳозларини олиб бериш чораларини кўрсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

22. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов) бир кун муддатда Нурота туманидаги 15-сонли, Хатирчи туманидаги 64-сонли ва Қизилтепа туманидаги 13- ва 30-сонли мактабларга “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМдан масъулларни бириктириб, ишларни жадаллаштириш чораларини кўрсин.

23. Туман (шаҳар) ҳокимлари ўз ҳудудида таъмирланаётган, қурилаётган ва муаммоли мактаблар, боғчалар ва профессионал таълим муассасаларига шахсан бирма-бир кириб, муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш чора-тадбирларини кўрсин.

Бунда айниқса, янги ўқув йили бошланиши кутилаётган мактаблар ва профессионал таълим муассасаларига алоҳида эътибор қаратиб, қурилиш-таъмирлаш ишларини жадаллаштириш, **ўқув йили бошлангунга қадар** объектларни фойдаланишга топширилишини ташкил қилсин.

Вилоят мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**), Касбий таълим агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаландаров**) таъмирланаётган, қурилаётган ва муаммоли таълим муассасалари ва боғчаларда олиб борилаётган ишлар тўғрисида **ҳар кун** вилоят ҳокимига таҳлилий маълумот киритиб борсин.

24. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (Ниязов, Ходжаев), Мактабгача ва мактаб таълим бошқармаси (Ҳайитова) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда мактабларни янги ўқув йилига тайёрлаш ишларини ўз назоратига олган ҳолда, тайёргарлик ишларини якунлаш мақсадида “**Дорзарб ҳафталик**” эълон қилиниб, кунлик ишлар тўғрисида **ҳар кун** вилоят ҳокимига ҳисобот бериб борсин.

25. Уч кундан кейин вилоятда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилаётган объектлар бўйича **муҳокама йиғилиши** ўтказилиши, унда вилоят

ҳокими ўринбосари А.Ниёзов, туман, шаҳар ҳокимлари, буюртмачи ташкилотлар ва тегишли масъулларнинг ҳисоботлари эшитилиши белгилаб қўйилсин.

Назорати **Э.Авезовга**.

26. Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**)дан барча дастурлар доирасида республика ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан олиб борилаётган қурилиш ишларини ўз назоратига олиши ҳамда қонун бузилишига йўл қўйган масъулларга нисбатан қонун устуворлигини таъминланиши сўралсин.

27. Вилоят ҳокими ўринбосарлари (**Сулаймонов, Ниёзов**) туман (шаҳар) ҳокимлари, тегишли буюртмачи ташкилотлар раҳбарлари билан биргаликда “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги ва “оғир” тоифадаги туманлар ва маҳаллаларда ҳамда “Драйвер” лойиҳалар доирасидаги объектларда қурилиш ишларини янада жадаллаштириб, белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

28. “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Султонов**) “Ташаббусли бюджет” дастури 2025 йилги 2-мавсуми доирасида қурилиши якунланмаган (*Учқудуқ тумани спорт мактабининг ёпиқ турдаги кураш зали барпо этиш ва Зарафшон шаҳар 1-сонли политехникум биносини таъмирлаш*) объектларда қисқа муддатда ишларни якунлаш чораларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

29. “Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати” ДМ (**Султонов**), “Миллий электр тармоқлари” АЖ Навоий филиали (**Райимов**), “Сув таъминоти ва оқова сув объектлари қурилиши бўйича инжиниринг компанияси” УК (**Тўраев**), “Навоий минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” ДМ (**Исмоилов**) “Навоийсувқурилишинвест” ДМ туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда “Янги Ўзбекистон” қиёфасидаги, оғир тоифадаги туман ва маҳаллалар ҳамда “Драйвер” лойиҳалар доирасидаги объектларда қурилиш ишларини янада жадаллаштириб, **белгиланган муддатларда** фойдаланишга топшириш чораларини кўрсин.

30. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси (**Турдиев**) қурилиш объектларида қурилиш нормалари ва қоидаларига риоя этилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларини бажариш сифати устидан қатъий назорат ўрнатсин.

31. Энергия самарадорлиги агентлиги Навоий вилояти лойиҳа офиси (**Жалолов**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда энергия ресурсларини тежаш бўйича амалга оширилган ишларни **“Энергия тежамкорлик”** платформасига ҳар куни тўғри киритиб борилишини таъминласин ҳамда бугунги кунга қадар ўрнатилган қуёш панелларининг доимий ишчан ҳолатда бўлишини назоратга олсин.

32. Туман (шаҳар) ҳокимлари:

бошқарув ташкилотларининг дебитор қарздорликни қисқартириш бўйича маҳаллалар кесимида қарздор хонадонлар рўйхатини шакллантириб, маҳалла еттиликлари билан ҳамкорликда ҳар бир қарздор хонадон бўйича манзилли ишларни ташкил этилсин;

бошқарув ташкилоти раҳбари ва маҳалла раисига ўз ҳудудидаги мавжуд дебитор қарздорликларни қисқартириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб бериб, уларнинг натижадорлиги доимий назоратга олинсин ҳамда аҳоли ўртасида тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган тарғибот-тушунтириш ишлари мунтазам олиб борилсин;

тегишли корхона ва ташкилотлар билан қарздорликларни кескин қисқартириш ҳамда тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича олиб борилаётган ишларни ҳар кун танқидий муҳокама этиб борсин.

33. Вилоят Қурилиш, уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (Отақулов) уч кун муддатда кўп қаватли уйларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш бўйича ҳолатни чуқур таҳлил қилиб, муаммоларни қайси бирини туман даражасида, бошқарма даражасида ва вилоят ҳокими даражасида ҳал этиш бўйича таклифларни шакллантириб, олиб кирсин.

34. Вилоят Телерадиокомпанияси (Муқимов)га беш кун муддатда ҳудудларда куз-қиш мавсумига тайёргарлик ишларини ўрганиб, таҳлилий материалларни киритиш тавсия этилсин.

35. Шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг қурилиш масалалари бўйича ўринбосарлари куз-қиш мавсумига пухта тайёргарлик кўриш мақсадида:

йиғилишда қайд этилган аниқланган камчиликларни **жорий йилнинг 20 сентябрига қадар** тўлиқ бартараф этсин;

бошқарув ташкилотларини мавсумга тайёрлаш мақсадида захира маҳсулотларини **ҳозирдан бошлаб** шакллантирсин;

бошқарув ташкилотларида 24/7 режимда авария ва диспетчерлик хизматлар фаолиятини назоратга олсин;

кўп қаватли уйларнинг ҳар бир кириш йўлагига коммунал хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг авария диспетчерлик рақамлари эълонларини жойлаштирсин.

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси **(Отақулов) ҳар ўн беш кунда** амалга оширилган ишлар юзасидан вилоят ҳокимлигига ахборот киритиб борсин.

36. Вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Ҳамидов) бир кун муддатда: вилоятдаги йирик саноат корхоналари раҳбарларига корхона ходимларининг коммунал соҳадаги *(бошқарув сервис компаниялари, иссиқлик таъминоти, ичимлик суви, электр, табиий газ, солиқ)* қарздорликларини

қисқартиришга амалий кўмак бериш масаласида мурожаат хати лойиҳасини тайёрлаб, киритсин;

вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Бобоқулов**) билан биргаликда куз-қиш мавсумида ижтимоий соҳа муассасаларига зарур бўладиган кўмир захирасини яратиш ва етказиб бериш бўйича таклифларни киритсин.

37. Вилоят Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (Бобоқулов) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда бюджет ташкилотлари қарздорликларини қисқартириш бўйича ва тўлов интизомини мустаҳкамлашга қаратилган ишларни тизимли равишда ташкил этиш чораларини кўрсин ҳамда натижаси бўйича ахборот киритиб борсин.

38. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ниёзов):

тизим ташкилотлари ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда куз-қиш мавсумига тайёргарлик масаласини **ҳар ҳафтада** танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб, зарурий чора-тадбирлар кўриб борилишини;

амалга оширилаётган ишлар тўғрисида ҳисобот ҳамда республика билан боғлиқ масалалар юзасидан вилоят ҳокимига **ҳар ҳафтада** таклифлар киритиб борилишини таъминласин.

39. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, туман (шаҳар) ҳокимлари Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топшириладиган объектларни тантанали равишда, кенг аҳоли ва жамоатчилик иштирокида топширилишини ташкил қилсин.

Вилоят ҳокимлиги Ахборот хизмати (**Раубаева**), вилоят Телерадиокомпанияси (**Муқимов**), “Дўстлик байроғи ва Знамя дружбы” газеталари таҳририяти (**Умаров**) ушбу объектлар тўғрисида ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб борсин.

40. Вилоят прокуратурасининг 2026 йил 22 июлдаги 10.3/17-26-сонли ва 10.2/7-26-сонли хатлари маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятда ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари фаолиятини бошқа ҳудудларга кўчириши сабаблари ўрганиб, тадбиркорлик фаолиятларини йўлга қўйишида юзага келаётган муаммоларини бартараф этиш, фуқароларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш чораларини кўрсин.

41. Вилоят ҳокими ўринбосари (Ниёзов), Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси (**Отақулов**):

Вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда ижарага бериш имкони бўлган 91 та кўп квартирали

уларнинг (шундан, том қисмида 24 та, фасад қисмида 10 та ва ертўла қисмида 57 та) бўш ижара нуқталарини тегишли тартибда тадбиркорларга ижарага бериши, бошқарув компаниялари томонидан кўрсатилган хизматлардан ҳосил бўлган дебитор қарздорлигини ундириш;

“Навоий сув таъминоти” АЖ (**Зарипов**) билан биргаликда кўп квартирали уйларда ичимлик суви учун ўрнатилган 161 та насосларни таъмирлаш ва уларга электр ҳисоблагичларини ўрнатиш;

“Худудий электр тармоқлари” АЖ вилоят филиали (**Зарипов**) билан биргаликда 1 079 та кўп квартирали уйларга 1 091 та электр ҳисоблагичларни ўрнатиши ҳамда 633 та марказий электр тақсимловчи қурилмаларини таъмирлаш чораларини кўрсин.

42. Касбий таълим агентлиги вилоят бошқармаси (**Қаландаров**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда техникумларнинг янги ўқув йилига тайёргарлик ҳолатини ўрганиб чиқиб мавжуд камчиликларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

Назорати **Ж.Ходжаевга**.

43. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**), Ахборот-таҳлил гуруҳи (**Бобомуродов**) ва Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф. Эшбоев